



## Савол:

Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Менга витр намозини қандай ўқилса суннатга мувофиқ бўлади шуни қандай ўқилишини тўлиқ маълумотини айтсангиз яхши бўларди.

## Жавоб:

Ва алайкум ассаламу ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ.

Бисмиллаҳ вассолату вассаламу ала росулиллаҳ. Витр намозини суннатга мувофиқ ўқимоқчи бўлсангиз қуйидаги сўзларимизга диққат қилинг:

Уни 1, 3, 5, 7, 9 ва 11 рақъат қилиб ўқиш суннатга мувофиқдир:

Агар уни 3 рақъат қилиб ўқимоқчи бўлсангиз бунинг икки кўриниши бор:

1- Аввал икки рақъат ўқийсиз, саломдан кейин туриб бир рақъатга ният қиласиз, рукуъдан аввал ёки кейин қунут дуосини ўқийсиз, ташаҳхуд ва салаотларни ўқигандан кейин салом берасиз. Яъни уч рақъатни иккига бўлиб икки ташаҳхуд, икки салом билан ўқийсиз. (2+1=3)

2- Уч рақъатга (дилингизда) ният қиласиз, иккинчи рақъатнинг саждаларидан кейин ташаҳхудга ўтирмасдан қиёмга туриб кетасиз, учинчи рақъатни рукуъсидан кейин (гоҳида аввал) қунут дуосини ўқийсиз. Икки саждадан кейин қаъдада ташаҳхуд, салаотлар ва дуони ўқигандан кейин салом берасиз. Яъни бир ташаҳхуд ва бир салом



## Ислом Нури

билан уч рақъатни ўқийсиз. Агар ҳар икки кўринишда 1- рақъатга Саббиҳисма, 2-га Кафируун, 3-га Ихлос сураларини ўқисангиз яхши, бу суннатда ворид бўлган.

Аммо 3 рақъатли витрни шом намозига ўхшатиб, 2 ташаҳхуд билан ўқишингиз суннатга хилоф, балки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай қилишдан қайтарганлар. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилади, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Витрни шомга ўхшатиб 3 рақъат ўқиманглар, 5 рақъат 7 рақъат қилиб ўқинглар». (Фатҳул Борий 4/301 га қаралсин).

Витрни 5 рақъат, 7 рақъат, 9 рақъат қилиб бир салом билан ўқисангиз ҳам бўлади. 9 рақъат қилганингизда 8- рақъатдан кейин ташаҳхудга ўтирасиз кейин такбир билан кейинги рақъатга туриб уни юқорида айтилган учинчи рақъат каби ўқийсиз сўнг салом берасиз. Оиша розияллоҳу анҳо айтадилар: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам 9 рақъат ўқирдилар, буларнинг фақат саккизинчисида ўтирардилар ва Аллоҳни зирк қилар, ҳамд айтар, дуо қилар эдилар сўнгра салом бермасдан турардилар ва тўққизинчи рақъатни ўқирдилар сўнгра ўтирардилар ва Аллоҳни зирк қилар, ҳамд айтар, дуо қилар эдилар кейин бизга эшиттирадиган қилиб салом берардилар. (Имом Муслим 746).

5 ва 7 рақъат қилиб ўқисангиз охирида бир ташаҳхуд билан якунлайсиз. Умму Салама розияллоҳу айтадилар: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам витрни 5 ва 7 рақъат ўқирдилар, улар ўртасини на салом ва на калом билан бўлмасдилар. (Имом Аҳмад ва Насоий ривоятлари, Албоний саҳиҳ деган).

11 рақъат ўқимоқчи бўлсангиз икки-икки рақъатдан ўқиб, охирида



## Ислом Нури

ёлғиз бир ракъат ўқиб тугатасиз. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Тунги намоз икки-икки ракъатдандир, сизлардан бирингиз субҳ бўлиб қолишидан қўрқса, бир ракъат ўқисин, бу ўқиган намозларини тоқ қилиб қўяди.» (Имом Бухорий 911, Муслим 749)

Витрни фақат бир ракъат ўқисангиз ҳам бўлади. Лекин ундан аввал камида 2 ракъат ўқисангиз яхши. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Витр кечанинг охирида ўқиладиган бир ракъатдир.» (Имом Муслим ривояти, 752). Валлоҳу аълам.

Аллоҳ таоло барчамизни китоб ва суннатга амал қилувчилардан қилсин, А'миин!